



**ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА**  
**ПИНОСОЛ®**  
**PINOSOL**

**Препаратнинг савдо номи:** Пиносол®

**Таъсир қилувчи модда (ХПН):** йўқ

**Дори шакли:** бурун томчилари

**Таркиби:**

<i>Фаол моддалар:</i>	<i>10 мл ҳисобига (флаконга)</i>	<i>10 г ҳисобига (флаконга)</i>
Оддий қарағай мойи	0,3442 г	0,3752 г
Эвкалипт мойи	0,0459 г	0,0500 г
Тимол	0,0029 г	0,0032 г
Альфа-токоферол ацетати	0,1560 г	0,1700 г
Қалампир ялпиз мойи	0,0917 г	0,1000 г
Гвайазулен	0,0018 г	0,0020 г

*Ёрдамчи моддалар:*

Бутилгидроксианизол, макрогол ва ўрик мойининг эфирлари (лабрафил М-1944-CS), ўсимлик мойи.

**Таърифи:** ментол-эвкалипт ҳидли кўк рангдан яшил-кўк ранггача бўлган тиниқ суюқлик.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** ЎРК симптомларини бартараф этувчи восита.

**АТХ коди:** R01A

**Фармакологик хусусиятлари**

Яллиғланишга қарши ва антисептик таъсирга эга.

**Қўлланилиши**

- Ўткир ринит;
- Сурункали атрофик ринит;
- Бурун ва бурун-томоқ шиллиқ қаватининг қуриб қолиши билан кечадиган ўткир ва сурункали касалликлари;
- Шифокор тавсиясига кўра бурун бўшлиғидаги жарроҳлик аралашувларидан кейинги ҳолатларида (стационар ва амбулатор шароитларда) қўлланади.

**Қўллаш усули ва дозалари**

- Маҳаллий қўллаш учун. Катталарга препаратни биринчи куни ҳар бир бурун йўлига 1-2 томчидан 1-2 соат оралиғида, қолган кунлари эса 1-2 томчидан ҳар бир бурун йўлига суткада 3-4 марта томизилади.
- Болаларга 1-2 томчидан кунига 3-4 марта томизилади ёки препарат пахта тампонга шимдирилиб ишлатилади.
- 1 Ёшдан катта болалар:
- 1-2 томчидан кунига 3-4 марта фақат пахтали тампон (пахта билан ўралган таёқчалар) ёрдамида буруннинг шиллиқ қаватиға суртиш йўли орқали қўлланилади.
- Препаратни ингаляция учун ҳам қўллаш мумкин, бунинг учун 2 мл (50 томчи) ингаляторга томизилади. Ингаляцияни кунига 2-3 марта ўтказиш тавсия қилинади.
- Даволашнинг давомийлиги 5-7 кун.

### **Ножўя таъсирлари**

- Бурун бўшлиғининг шиллиқ қаватини қичишиши, ачишиши, қизариши ёки шишиши.
- Йўриқномада таърифланмаган ножўя ҳолатлар ёки бошқа одатдаги бўлмаган реакциялар пайдо бўлганида дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик, аллергия ринит, 1 ёшгача бўлган болаларда қўлланмайди.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Пиносол препаратининг бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири ҳақида ҳеч қандай маълумот олинмаган.

### **Махсус кўрсатмалар**

Кўзнинг шиллиқ қаватларига тушишидан эҳтиёт қилиш керак. Болаларда қўлланилганда алоҳида эҳтиёткорлик чораларини кўриш керак.

### **Дозани ошириб юбориш**

Маҳаллий усулда қўллаганида дозани ошириб юбориш хавфи минимал.

### **Чиқарилиш шакли**

Қопқоқли, резинали пипеткаси билан таъминланган жигарранг шиша флаконларда, 10 мл дан. Ҳар бир флакон қўллаш йўриқномаси билан картон қутига жойланган.

### **Сақлаш шароити**

Куруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 15°C дан 25°C гача бўлган ҳароратда ва болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

### **ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ**

3 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланилмасин.

### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

### **Қайд этиш гувоҳномасининг эгаси**

Зентива а.с., Словакия Республикаси

Эйнштейнова 24, 851 01 Братислава, Словацкая Республика

(Zentiva a.s., Slovak Republic

Einsteinova 24, 851 01 Bratislava, Slovak Republic)

### **Ишлаб чиқарувчи**

Санека Фармасьютикалс а.с., Словакия Республикаси

Нитрианска 100, 920 27 Глоговец, Словацкая Республика

(Saneca Pharmaceuticals a.s., Slovak Republic

Nitrianska 100, Hlohovec 920 27)